

Юридик шахсларнинг автотранспорт воситалари хайдовчилари малакасини ошириш
бўйича хизматлар кўрсатишга
1 - СОНЛИ ШАРТНОМА

Бухоро шаҳри

«07» Декабр 2022 йил

"OMADLI HAYDOVCHI AVTOMAKTABI" МЧЖ, кейинги ўринларда – "Бажарувчи", амалдаги Устав асосида фаолият юритувчи директор Ф.М.Ишанкулов орқали бир томондан ҳамда "Унгуроғ "ХТФБ" (ташкилот номи), кейинги ўринларда – "Буюртмачи", Ф.Ф. Давронов (раҳбарнинг лавозими ва Ф.И.Ш.) орқали иккинчи томондан биргаликда "Тарафлар", алоҳида "Тараф" деб номланади ва мазкур Шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Бажарувчи Буюртмачига Буюртмачининг автотранспорт воситаларини бошқарувчи хайдовчиларнинг (кейинги ўринларда – курс тингловчилари ёки Буюртмачи ходимлари) Бажарувчи томонидан тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ малака ошириш бўйича хизматлар кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, Буюртмачи эса мазкур Шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Бажарувчи хизматлари кийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Хизматлар Бажарувчи худудида кўрсатилади ҳамда ҳисобварак-фактура ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги далолатнома Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан имзоланганидан сўнг кўрсатилган ҳисобланади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Бажарувчи қуидагиларга мажбурир:

- мазкур Шартномада белгиланган муддат ва тартибда хизматлар кўрсатиш;
- мазкур Шартномада назарда тутилган хизматлар кўрсатилишини Бажарувчи томонидан тасдиқланадиган ўқув режасига ва машғулотлар жадвалига мувофиқ тегишли тартибда ташкил этиш;
- ҳисобварак-фактура ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги далолатномани тақдим этиш;
- машғулотлар тугаганидан сўнг тест синовларини ўtkазиш;
- Буюртмачи ходимлари имтиҳонларни муваффақиятли топширганидан сўнг уларга тегишли хужжат – малака оширганлик тўғрисидаги сертификатларни тақдим этиш. Мазкур сертификат(лар) ҳисобварак-фактура ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги далолатнома Буюртмачининг ваколатли вакили томонидан имзоланганидан сўнг берилади.

2.2. Буюртмачи қуидагиларга мажбурир:

- Бажарувчига қуидаги хужжатларни тақдим этиш;
- а) Тарафлар мазкур Шартномани имзолашидан аввал малака ошириш курсларини ўташ жадвали(мазкур Шартноманинг 1-иловаси)ни тасдиқлаш ва имзолаш;
- б) малака ошириш курсларини ўташ жадвалини электрон вариантда, MS Excel форматида, тасдиқланган шаклга мувофиқ, электрон вариантда _____ электрон почтага юборилган ҳолда ёки хар кандай электрон маълумот ташувчиси орқали тақдим этиш;
- в) малака ошириш курсларини ўтайдиган шахсларнинг паспорт ва хайдовчилик гувоҳномалар нусхалари (31.05.2018 даги 408 – сонли ВМҚга асосан);
- г) Буюртмачи томонидан тайинланган вакилга Бажарувчидан сертификат олиш, ҳисобварак-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси(мазкур Шартноманинг 2-иловаси)га имзо қўйиш ваколатини берувчи ишончнома;
- Бажарувчи томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловни ушбу Шартномада белгиланган тартибда, ўз вактида амалга ошириш;
- малака ошириш курсларига юборилган шахслар хақидаги маълумотларни паспортга мувофиқ тўғри кўрсатилишини таъминлаб бериш;

- малака ошириш курсларини амалда ўтайдиган шахслар машғулотларга, ҳамда якуний тест имтихонлариға қатнашишини таъминлаб бериш;
- малака ошириш курсларини ўтайдиган шахслар Бажарувчининг тегишли локал норматив хужжатлари талабларига риоя этишини таъминлаб бериш;
- хисобварак-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини улар тақдим этилган кунда расмийлаштиришни (имзо қўйишни) таъминлаш ёки 2 (икки) календарь кун мобайнида асосланган рад жавобини тақдим этиш, акс ҳолда Бажарувчининг хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилган хисобланади;
- Буюртмачи ходимлари малака ошириш курсларига ўз вақтида муносиб кийим-бошда келишини ҳамда белгиланган муддат ва вактда етиб келишини таъминлаш;

2.3. Буюртмачи ходимлари (курс тингловчилари) қўйидагиларга мажбурдир:

- шахсни тасдиқловчи ва бошқа зарур хужжатларга эга бўлиш;
- ўкув машғулотларининг барча турларига қатнашиш ва ўкув дастурларида назарда тутилган вазифаларни белгиланган муддатларда бажариш, машғулотларга ажратилган вактдан оқилона фойдаланиш;
- билим, маданият ва маънавиятни оширишга доим интилиш;
- тартиб-интизом ва Бажарувчининг ички тартиб коидаларига қатъий риоя этиш;
- Бажарувчининг раҳбариятини, ўқитувчилар таркибини, ўкув-ёрдамчи ходимларини ва техник ходимлар таркибини хурмат қилиш;
- Бажарувчининг мол-мулкини эҳтиёт қилиш ва сақлаш.

III. БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1. Бажарувчи малака ошириш курсларини ўташ жадвалида (мазкур Шартноманинг 1-иловаси) Тарафлар томонидан кўрсатилган муддатларда Бажарувчининг хисоб ракамига олдиндан тўлов келиб тушганидан, шунингдек Буюртмачи мазкур Шартноманинг 2.2-бандида келтирилган зарур хужжатларни тақдим этганидан сўнг хизматларни кўрсатишга киришади.

3.2. Хизматлар кўрсатиш муддати 2022 йил "7" январ дан 2022 йил "31" декабр гача бўлган муддатни ташкил этади.

3.3. Малака ошириш курслари якунларига кўра аттестациядан ўтмаган, яъни имтихон натижасига кура максимал кўрсаткичининг 60% дан кам тўплаган тингловчилар келгуси малака ошириш курслари ва аттестациядан **пулли асосда** қайта ўтишлари шарт.

3.4. Узрли сабаблариз машғулотларга, ҳамда якуний тест имтихонида қатнашмаган ёки машғулотларни 8 академик соат (ўкув машғулотларининг 4 жуфтлиги) ва ундан ортиқ қолдирганлик учун малака ошириш курслари тингловчилари сафидан четлаштирилган тингловчилар узрли ёки узрсиз сабаблардан катъи назар ушбу Шартноманинг 2.2. бандида назарда тутилган тартибда малака ошириш курсларида қатнашишади.

Ушбу шартноманинг максадларини инобатга олган ҳолда, малака ошириш курслари, ҳамда якуний тест имтихонларида иштирок этмасликнинг узрли сабаблари деганда, қасаллик туфайли, иш сафари, меҳнат таътили ёки ижтимоий таътилда бўлиши, тингловчининг яқин қариндоши ўлими каби сабаблар тушунилади ва тегиншли тасдиқловчи хужжатлар билан (ишга лаёқатензлик хақида маълумтинома, иш берувчининг буйруги, тингловчининг аризаси ва х.к.) Буюртмачининг расмий мурожаатида тасдиқланиши керак.

3.5. Малака ошириш курсларини ўташ даври, шунингдек ушбу курсларни ўтайдиган шахслар рўйхати Тарафлар томонидан мазкур Шартноманинг 1-иловасига мувофиқ малака ошириш курсларини ўташ жадвалида белгиланади. Келишилган жадвалга ўзгартириш киритиш зарурати юзага келган ҳолда ўзгартириш киритувчи Тараф бошқа Тарафни беш кун аввал огоҳлантириши лозим. Бунда Тарафлар томонидан мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланувчи янги жадвал тасдиқланади.

3.6. Малака ошириш курслари бошланган кундан бошлаб икки кун мобайнида ёки курс давомида икки кундан ортиқ келмаган тингловчилар келмаганилик сабабларидан катъи назар курслардан четлаштирилади, курсларга қўйилмайди.

Малака ошириш курсларида, ҳамда якуний тест имтихонларида узрли сабабларсиз қатнашмаган тингловчилар аттестациядан ўтмаган хисобланади.

IV. ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Хизматлар қиймати бир жисмоний шахс (ҳайдовчи) учун тўлов 200000 сумни ташкил этади.

4.2. Тўлов Буюртмачи томонидан ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида хизматларнинг умумий қийматининг 100% дан кам бўлмаган микдорда олдиндан амалга оширилади.

4.2.1. Ўз.Р Фазначилигида очилган ҳисоб рақамлари орқали ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошираётган давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахслар, ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтган кунидан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида олдиндан тўлов амалга оширилаётган кундаги энг кам иш хақидан келиб чиқиб, хизматларнинг умумий қийматининг **30%** дан кам бўлмаган микдорда олдиндан амалга оширишади. Хизматларнинг умумий қийматининг **70%** микдоридаги тўловнинг қолган қисми малакани ошириш курслари тугалланганидан сўнг 5 (беш) банк куни мобайнида амалга оширилади. Бажарувчи томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлиқ тўлов амалга оширилмагунига қадар курс тингловчиларига сертификат тақдим этилмайди.

4.3. Тўлов Бажарувчининг ҳисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.4. Пул маблаглари Бажарувчининг ҳисоб ракамига ўтган сана тўлов санаси хисобланади. Буюртмачи амалга оширган тўлов қайтариб берилмайди.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Шартноманинг шартлари бажарилмаганлиги ёки тегишли тартибда бажарилмаганлиги учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Мазкур Шартномада назарда тутилган хизматларни қабул қилишни рад этиш ҳолатида олдиндан тўлов суммаси қайтариб берилмайди. Бошқа ҳолларда, олиндан тўлов/тўлов суммаси қайтарилганда, Бажарувчи банк харажатлари суммасини ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

5.3. Бажарувчи томонидан берилган сертификатларда ҳайдовчилар хақидаги маълумот хато кўрсатилган ҳолатда Буюртмачи томонидан Бажарувчига янги сертификат берилиши хақида талабнома ёзилиши керак. Бажарувчи икки ҳафта мобайнида маълумотлари тўғирланган янги сертификат тақдим этади ва дастлаб тақдим этилган сертификатни бепул қайтиб олади.

5.4. Сертификат йўқотилган ёки фойдаланиш учун яроксиз деб топилган ҳолатларда Буюртмачининг аризаси асосида сертификатни тиклаш учун Буюртмачи томонидан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида Бажарувчи рўйхатдан ўтган рақами ва “Дубликат” ёзуви билан сертификат тиклаб берилади.

5.5. Сертификатнинг дубликатини чиқариш учун тўлов энг кам ойлик иш ҳақининг 50% ни ташкил килади

5.6. Мазкур Шартномадан келиб чиқиши мумкин бўлган барча низо ва зиддиятли ҳолатлар мумкин қадар Тарафлар ўртасида олиб бориладиган музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.7. Мазкур Шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган низолар бўйича уларни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби назарда тутилиши шарт. Даъвони (талабномани) кўриб чиқиш муддати у Тарафга берилган кундан бошлаб 5 (беш) календар кунини ташкил этади.

5.8. Низоларни музокаралар йўли билан ёки судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибida ҳал этиш имконияти мавжуд бўлмаса, Тарафлар низони кўриб чиқиш учун судига йўналтирадилар.

VI. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Бажарувчи машғулотлар дастурига, ўқув режасига ва бошқа ўқув-услубий материалларга бир томонлама ўзгариши кириши хукуқини сақлаб қолади.

6.2. Бажарувчи ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (форс-мажор), яъни табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар, Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга бевосита таъсир этувчи қонун хужжатларининг кучга кириши, байрам ва дам олиш кунларини эълон қилиш, давлат органлари топшириклари ҳолатлари юзага келганда Бажарувчи мазкур Шартноманинг 2.1-бандида назарда тутилган тартибга риоя этган ҳолда машғулотлар жадвалига ўзгариши кириши хукуқини сақлаб қолади ва янги дарс жадвали Тарафлар ўртасида келишилади.

6.3. Бажарувчи Буюртмачи ходимларининг розилиги билан фото ва видео суратга олиш, шунингдек ўқув жараёни мониторингини амалга ошириш учун Буюртмачи ходимлари иштирокидаги фото, видео суратлар ва бошқа материаллардан фойдаланиш хукуқига эга бўлиб, Буюртмачи эса бунга ўз розилигини беради.

6.4. Бажарувчининг мол-мулки Буюртмачи ходимлари айби билан яроқсиз ҳолатга келиб қолса, Буюртмачи ушбу мол-мулк қийматини тўлиқ қоплади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгариши ва қўшимчалар ёзма равища тузилиши ва Тарафлар томонидан имзоланиши лозим.

7.2. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар юзасидан Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя этадилар.

7.3. Мазкур Шартнома унга Тарафлар имзо кўйган кундан бошлаб кучга киради ва Тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунига қадар амал қиласиди.

7.4. Мазкур Шартнома Тарафлардан ҳар бири учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

VIII. ТАРАФЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ

Буюртмачи	Бажарувчи
<p><u>Унгурев, ЖТФБ</u> СТИР: 205315413 Почта манзили: <u>Ходжон Тушин Тұғырғызы</u> Телефон/факс: <u>928 - 79-49</u> Х/р: <u>400110860062197042402170002</u> Банк: <u>Марказий 50ниң 70инчи иш</u> Банк коди: <u>00014.</u> <u>Бухоро б. обнга Газлишин</u> <u>бўйинчи инн 201122919</u> <u>23 402000300100001010</u></p>	<p>"OMADLI HAYDOVCHI AVTOMAKTABI" МЧЖ СТИР: 305 121 178 Почта манзили: Бухоро шаҳри К.Муртазоев кучаси, 1 А уй Телефон/факс:(0365)223-00-32 Х/Р 20208000400810722001 БанкУЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК АТБУХОРОМИНТАКАВИЙ ФИЛИАЛИ МФО 00086</p>

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОСИ ВА МУХРИ



Буюртмачи
М.У.

Ф. Даромат



Ижрочи таъсири
М.У.

М.Ишанкулов

2022 йил "7" 01 даги
7-сонли шартномага
1-илова

"Үндержөн" АТФ 6-

ТАШКИЛОТ НОМИ

автотранспорт воситаларини бошқарувчи шахсларнинг малакани ошириш курсларини ўташ жадвали



Ижрочи ~~Узбекистон~~ Ф.М.Ишанкулов
М.У.



Бухоро вилояти таълим сифатини
назорат қилиш бўтими

№ 6117-705d-77fc-d518-b7b1-7373-4282
Хужжат яратилинган сана: 2019-09-11

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "OMADLI HAYDOVCHI
AVTOMAKTABI"

Қабул қилувчининг идентификация раками: 305121178

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлантиришга тайёрлантиш
хамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фузилиятини амалга оширилди.

учун

ЛИЦЕНЗИЯ № AVHT 0777

Ушбу лицензия: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "OMADLI HAYDOVCHI AVTOMAKTABI" га берилди.

Ташкилот жойлашган манзил (пошта манзили): Бухоро вилоят, Бухоро шаҳри, К.Муртазоев кучаси, 1А-үй

Нодавлат таълим фаолияти амалга ошириладиган жой (манзил):

Фаолиятни амалга ошириш манзили

Бухоро вилоят, Бухоро шаҳри, К.Муртазоев кучаси, 1А-үй

Солик тўловчининг идентификация раками (СТИР): 305121178

Рухсат этилган таълим йўналишлари:

Таълим йўналиши

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчилари малакасини ошириш

Лицензия берилган сана: 10.09.2019

Лицензиялар реестри бўйича тартиб рақами: 0777

ТАШКЕНБАЕВ УЛУГБЕК НЕГМАТОВИЧ

Мазкур хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон хужжатнинг нусхаси хисобланади. Электрон хужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун hero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон хужжатнинг ноёб ракамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон хужжатлардаги маълумотлар конуний хисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон хужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари катъян тақиқланган.

1755





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OMADLI HAYDOVCHI AVTOMAKTABI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

"OMADLI HAYDOVCHI AVTOMAKTABI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.11.2017

551845

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

305121178

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Buxoro viloyati, Buxoro shahri, Q.MURTAZOEV KO'CHASI , 1A-UY,

Guvochnoma:

Buxoro viloyati, Buxoro shahri, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berildan


(Ro'yxatdan o'tkazilishi urganining ta'lli nomi)



P<UZBISHANKULOV<<FERUZJON<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<

AA09184703UZB6704023M23030373020467106002968

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



FAMILYASI

ISHANKULOV

ISMI

FERUZZON

OTASNING ISMI

MARDONOVICH

TUG'ilGAN SANASI

02 04 1967

MILLATI

O'ZBEK

KIN TONOMIDAN BERILGAN

BUXORO VILYOYATI IIB

JINSI

ERKAK

VOBKENT TUMANI

TUG'ilGAN JOYI

SHAXSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT	PASSPORT	TUR'I-TYPE P	DAVLAT KODI / COUNTRY CODE UZB	PASPORT RADAMI / PASSPORT No. AA0918470
---------	----------	-----------------	-----------------------------------	--

FAMILYASI SURNAME

ISHANKULOV

ISMI / GIVEN NAMES

FERUZZON

FUQROLIGI / NATIONALITY

UZBEKISTAN

TUG'ilGAN SANASI / DATE OF BIRTH

02 04 1967

JUDGELGAN SONTI / PLACE OF BIRTH

BUKHARA REGION

BERILGAN SAHANI / DATE OF ISSUE

04 03 2013

AVAM O'ZASH MUDDADI / DATE OF EXPIRY

03 03 2023

PERSONALIZACHTIRISH ORGANI / AUTHORITY
STATE PERSONALIZATION CENTRE